

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 3 февраль, № 25 (8087)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ — ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ ВА ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗДИР

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2 февраль куни чиқиндилар билан ишлаш тизими ва экологик ҳолатни яхшилаш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасидаги долзарб вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари жамоатчиликка мурожаат қилди:

— Ёшлигимиздан биламизки, ота-оналаримиз ҳовлини, атрофни пок сақлаш кераклигини айтди. Халқимиз азалдан тупроқни, сувни, табиатни муқаддас деб билган. «Бирни кессанг, ўрни эк» деган доно мақол ҳам бежиз айтилмаган. Дарахт эккан одамга унинг савоби тегиб туради, дейилган. Оилада фарзанд дунёга келса, унга атаб ниҳол экилган.

Дунё миқёсида санаот уюри даражада ривожланган XXI асрда экология билан боғлиқ муаммолар биринчи даражада муаммо сифатида кун тартибига чиқмоқда. Авлодларимиз биздан кейин ҳам муносиб табиий муҳитда яшаш керак. Бунинг учун биз табиатга эътибор беришимиз, фақат бугунни эмас, яқин ва узок келажакни ўйлаб иш тутушимиз зарур.

Энг муҳим масала — аҳолининг экологик маданиятини ошириш. Бугун кўчага ёки исталган жойга қаранг. Ҳамма жойда одамлар ташлаб кетган чиқиндиларни кўрасиз. Биз она юртимизни муқаддас деймиз. Нима учун уни тоза-озода сақлаб қолмаймиз? Ахир, муқаддас китобларимизда ҳам «Поклик иймандандур» дейилган.

Нега бу масалада оммавий ахборот воситалари, маҳалла фаоллари бонг урмаяпти? Қани нуронийларимиз, жамоатчилигимиз?

Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди. Бунга ёш

авлод қалбида она табиатга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин. Маҳаллада, кўчаларда чиқинди ташлаган кишини кўрганда «Бу ишингиз нотўғри бўлди», дейдиган муҳитни шакллантиришимиз, одамларни бунга ўргатишимиз керак. Бу — ҳаммамизнинг ишимиз ва инсоний бурчимиздир, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда шу борадаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Тахлилларга кўра, деярли барча давлатларда қаттиқ маиший чиқиндилар миқдори аҳоли жон бошига ҳар йили 1 фоизга ортиб бормоқда. Мамлакатимизда икτισодий-ижтимоий ўсиш ҳисобига бу кўрсаткич 7 миллион тоннага етиб, йилга 2 фоиздан ўсмоқда.

Лекин уларни йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва утилланиш қилиш аҳоли қонқарли эмас. Мисол учун, Қорақалпоғистонда 10 фоиз, Фарғона ва Қашқадарёда 20 фоиз чиқинди қайта ишланади, холос. 781 та маҳаллада чиқиндиларни олиб чиқиш масаласи ҳал этилмаган. Аҳолининг бу соҳадаги хизматлари бўйича дебитор қарздорлиги ҳам кўп. Тиббиёт ва таълим муассасалари, бозорлар учун 19 минг тона чиқинди контейнерларига эҳтиёж бор.

Қурилиш чиқиндиси полигонлари ташкил қилинмай, улар йўл, дала ёки дарё бўйларига ташлаб кетилмоқда. Утган йили 4 мингта ҳолатда қурилиш чиқиндилари нотўғ-

ри жойга ташлаб кетилгани аниқланган.

Худди шу каби, маҳалла, массив ва хиёбонлар ҳудудидоги ташлаган кишини зарурлиги айтилди. Қайта ишлаш қуввати бор кластерларга ер, мол-мулк ва ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз қилиб белгиланган. Бунинг эвазига уларга ўз ҳудудидаги чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини камида 40 фоизга олиб чиқиш талаби қўйилди.

Туман ва шаҳарларда давлат-хусусий шериклик асосида шундай корхоналар ташкил этиш, ҳудудлар учун 500 та махсус транспорт олиб келиш, ижтимоий муассасалар ва бозорларга қўшимча контейнерлар ўрнатиш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги «Махсустрас» корхонаси трансформация қилиниб, унинг негизда давлат-хусусий шериклик корхонаси ташкил этилади. Хорижий таърибдан келиб чиқиб, маиший чиқиндиларга тўлов ундиришнинг янги тизими йўлга қўйилди.

Органик, қурилиш ва тиббиёт чиқиндиларини утилланиш қилишнинг хавфсиз тизимини яратиш зарурлиги қайд этилди. — Бу соҳани йил сайин тақомиллаштириб бориш керак, чунки йил сайин янги муаммолар пайдо бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, 2021 йил ноябрда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси эълон қилиниб, 200 миллион туп дарахт кўчати экиш режалаштирилган эди. Бунга

5 йил муддатга босқичма-босқич 500 миллиард сўм кредит ажратилади.

Бу соҳадаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш зарурлиги айтилди. Қайта ишлаш қуввати бор кластерларга ер, мол-мулк ва ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз қилиб белгиланган. Бунинг эвазига уларга ўз ҳудудидаги чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини камида 40 фоизга олиб чиқиш талаби қўйилди.

Туман ва шаҳарларда давлат-хусусий шериклик асосида шундай корхоналар ташкил этиш, ҳудудлар учун 500 та махсус транспорт олиб келиш, ижтимоий муассасалар ва бозорларга қўшимча контейнерлар ўрнатиш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги «Махсустрас» корхонаси трансформация қилиниб, унинг негизда давлат-хусусий шериклик корхонаси ташкил этилади. Хорижий таърибдан келиб чиқиб, маиший чиқиндиларга тўлов ундиришнинг янги тизими йўлга қўйилди.

Органик, қурилиш ва тиббиёт чиқиндиларини утилланиш қилишнинг хавфсиз тизимини яратиш зарурлиги қайд этилди. — Бу соҳани йил сайин тақомиллаштириб бориш керак, чунки йил сайин янги муаммолар пайдо бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, 2021 йил ноябрда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси эълон қилиниб, 200 миллион туп дарахт кўчати экиш режалаштирилган эди. Бунга

мувофиқ, қузда 85 миллион тона кўчат ўтказилди. Қўллаб-ташқилотлар, маҳаллалар, умуман, кенг жамоатчилик бу савобли ишда жонбозлик кўрсатди. Бу йил баҳор мавсумида 125 миллион тона дарахт кўчатларини экиш мўлжалланмоқда.

— «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси бир йиллик тадбир эмас. Унинг доирасида келгуси беш йилда 1 миллиард туп дарахт кўчати экишни мақсад қилганмиз. Бу умуммиллий ҳаракатнинг натижаси ҳар бир маҳаллада кўриниши керак, бу савобли ишни ҳавас билан қилиш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

1 мартдан «Яшил йиллик» умуммиллий тадбири бошланиши эълон қилинди. Ҳар бир ҳудуднинг климига мос, кам сув талаб қиладиган кўчатларни танлаб, уларни етиштириш учун кўчатхоналарни кўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитасига 10 миллион тона мевали ва манзарали дарахт кўчатларини аҳолига бепул тарқатиш, Автомобиль йўллари кўмитасига халқаро ва республика аҳамиятидаги йўллар четида ихота дарахтзорлар барпо этиш бўйича топшириқ берилди.

Мутасадди идораларга барча туман ва шаҳарларни қамраб оладиган «мобиль эко паруллар» фаолиятини йўлга қўйиш топширилди.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари ва вилоят ҳокимларининг ахбороти эшитилди.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 24 сентябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 19 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Кооперация тўғрисида»ги 295-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 8, 193-модда; 1994 йил, № 2, 52-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 181-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 6, 300-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **5-моддаси 2-бандининг биринчи хатбошидаги** «кооператив жойлашган ердаги ҳокимликда» деган сўзлар «давлат хизматлари марказларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Ихтиролар, фойдала моделлар ва санаот намуналари тўғрисида»ги 1062-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 397-III-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 158-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 355-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **3-модданинг иккинчи қисмидаги** «қоидалар қабул қиладиган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

(Давоми 2-бетда).

## Сенат қўмитасида

### Янги қонунни такомиллаштириш лозим, деган тўхтама келинди

Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳага оид вазирлик ва идоралар ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар вакиллари иштирок этди.

Тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қилинган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонун муҳокама-сига бағишланди.

Қайд этилганидек, қонун алқоголь ва тамаки маҳсулотлари тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш борасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу ҳужжат

фуқароларнинг, энг аввало, йилгирма бир ёшга тўлган шахсларнинг соғлиқини алқоголь ва тамаки маҳсулотларининг зарарли таъсиридан, бу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтириш учун ташқиллий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги ташқи сийбсатининг устувор мақсад ва вазифаларини амалга оширишда парламентнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

### Давра суҳбати

Унда депутатлар, сенаторлар, Ташқи ишлар, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегия ва минақалараро тадқиқотлар институти, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Марказий Осиё халқаро институти ходимлари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов Тараққиёт стратегиясида кўпгина соҳалар қатори мамлакатимизнинг оқиқ, прагматик ва фаол ташқи сийбсати билан боғлиқ бир қатор мақсад ва вазифалар ҳам қамраб олинганлини таъкидлади. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси 2026 йилгача бўлган бунёдкорлик жараёнини қамраб олади ва йилма-йил амалга ошириб борилади.

Давра суҳбатида Олий



### Аччиқ, аммо очик гаплар

## ОСМОНГА ҚАРАГАН ОДАМЛАР...

### Улар нега ризқ-насибани ердан кутишмайди?

Сарлавҳани ўқиб, ажабланишсиз, ахир шундай замондаям одам ризқни осмондан кутадими, «Берсанг ейман, урсанг ўламан» деб осмонга қараб ётиш кимга наф берибди, дейсиз, тўғрими? Унда нега Чирокчидаги Ғаллакор қишлоғи одамлари осмонга кўз тикишдади, осмондан бермаса, ерда ҳеч нарса уммайди, дейишадими?..

Бу саволга жавобни «Ғаллакор» МФЙ ҳудудидаги қишлоқларга борганимизда, тумандаги энг чекка ва олис ҳудуд одамлари билан юзма-юз гаплашганимизда жавоб топгандек бўлди.

Уларнинг қулиб айтишича, ҳар бир хонадон ихтиёрида 60 сотихдан 1,5 гектаргача томорқа мавжуд. Оқар сув йўқлиги тўғрисида эрларнинг ақсарият қисми бўш турибди. Тўғри, аҳолининг бир қисми лалми ғалла, мош ёки нўхат экади, аммо осмондан бермаса, қилган ҳаракатига қуйиб қолади-да...



## Сенат ялпи мажлиси олдидан

### ЧЕГАРА ҚЎШИНЛАРИГА ҚАНДАЙ ВАКОЛАТЛАР БЕРИЛМОҚДА?

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларини кўчатиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги сифатини тубдан яхшилаш давлат тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. Зеро, ҳозирги ислохотлар даврида амалдаги қонунларни замон талаби асосида янада мукамаллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Олий Мажлис Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси муҳокама-сига киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун шу мақсадга қаратилгани билан алоҳида ажралади туради.

Хўш, бу ҳужжатда нималар кўзда тутилмоқда, унда қандай янгиликлар бор?

Аввало, бу қонун Ўзбекистон Республикаси Давлат Вақфсизлик хизмати томо-

нидан амалиётда турли муаммолари ҳолатларни келтириб чиқараётган қонунчиликдаги ноумовфиқликларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилганлигини таъкидлаш зарур.

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 287-моддаси 2-бандида биноан, Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш, чегара қўшинлари қонуний талабига

бўйсунмаслик, зарур ҳужжатларни тақдим этиш ҳақидаги қонуний талабларини ба-жармаслик ва бунга ҳар қандай кўринишда омма олдида даъват этиш ҳамда чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ўз қонуний фаолиятини амалга оширишига қаршилик кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда Чегара қўшинларига ҳуқуқбузарларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш ваколати берилган.

Бироқ давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш давомида муайян қийинчилик ва муаммолар келиб чиқмоқда.



## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ XXIII ЯЛПИ МАЖЛИСИДА



### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси 2022 йил 3 февраль куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Сенат мажлислар залида ўз ишینی бошлади.

Ялпи мажлис 3-4 февраль кунлари видеоконференцалоқа тарзида ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис «Ўзбекистон» ва «Узрепорт» телеканаллари, шунингдек, Сенатнинг www.senat.uz расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

### 8 та қонун, шунингдек, қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

- Олий Мажлиси Сенатининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури иқросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлари ҳақида;
- Олий Мажлиси Сенатининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги масала;
- Худудларда янги иш ўринларини яратиш ишлари самарадорлиги устидан парламент назоратини амалга ошириш тўғрисида;
- Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала.

#### Эшитилади:

- Вазирлар Маҳкамасининг Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг иқроси бўйича ҳисоботи;
- Бош вазир ўринбосарининг қишлоқ ҳўжалигига сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳамда шу мақсадда ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисидаги ахбороти;
- Адлия вазирининг 2021 йилда давлат органлари ва ташқилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ахбороти;
- Олий Мажлиси Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2020-2021 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

#### Вазирлар Маҳкамасига Парламент сўровлари юборилади:

- Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга етмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти ва зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш масалалари юзасидан;
- Мамлакатимизда газ баллонлари билан ҳижозланган автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳолати ва соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши юзасидан.

#### Парламент сўровлари натижалари муҳокама қилинади:

- Оқова сув тозалаш иншоотларида вужудга келаятган муаммо ва камчиликларнинг атроф-муҳит ҳамда аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови.

«Халқ сўзи».





